ФАРҒОНА ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН 44 ГЕКТАРЛИК “БАҚАЙ” КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ АТРОФДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Фарғона шаҳри бўйлаб олиб борилган ўрганишлар давомида Тинчлик МФЙ ҳудудида ташкил этилиши режалаштирилган 44 гектарлик “Бақай” кичик саноат зонаси лойиҳаси билан жойида танишди.

“Ён-атрофда 27 000 нафардан зиёд аҳоли бор. Уларнинг кўпчилиги бу ерда иш билан банд бўлади. Муҳими тадбиркорлар учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Сув, электр ва газ таъминоти, коммуникация тармоқлари етарли,”- дейишди вилоят ва шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари лойиҳани тақдим этиш жараёнида.

Хайрулло Бозоров янги ташкил қилинаётган кичик саноат зонасидан ажратиладиган жойларни энг фаол, ўз ишини тез фурсатларда ташкиллайдиган ва лойиҳалари аниқ бўлган тадбиркорларга бериш зарурлигини таъкидлади. Кичик саноат зонаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича таклиф ва кўрсатмалар берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-03-28 11:25:00